

SCIENCE
PROBLEMS.UZ

ISSN 2181-1342

Actual problems of social and humanitarian sciences
Актуальные проблемы социальных и гуманитарных наук

Ijtimoiy-gumanitar fanlarning dolzarb muammolari

7/S-son (4-jild)

2024

SCIENCEPROBLEMS.UZ

**ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ
ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ**

№ S/7 (4) - 2024

**АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО-
ГУМАНИТАРНЫХ НАУК**

ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES

ТОШКЕНТ-2024

БОШ МУҲАРРИР:

Исанова Феруза Тулқиновна

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

07.00.00-ТАРИХ ФАНЛАРИ:

Юлдашев Анвар Эргашевич – тарих фанлари доктори, сиёсий фанлар номзоди, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Мавланов Уктам Махмасабирович – тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Хазраткулов Абдор – тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети.

Турсунов Равшан Нормуратович – тарих фанлари доктори, Ўзбекистон Миллий Университети;

Холикулов Ахмаджон Боймаҳамматович – тарих фанлари доктори, Ўзбекистон Миллий Университети;

Габриэльян Софья Ивановна – тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон Миллий Университети.

Саидов Сарвар Атабулло ўғли – катта илмий ходим, Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот маркази, илмий тадқиқотлар бўлими.

08.00.00-ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ:

Карлибаева Рая Хожабаевна – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Насирходжаева Дилафруз Сабитхановна – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Остонокулов Азамат Абдукаримович – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Тошкент молия институти;

Арабов Нурали Уралович – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Худойқулов Садирдин Каримович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Азизов Шерзод Ўктамович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Божхона институти;

Хожаев Азизхон Саидалоҳонович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Фарғона политехника институти

Холов Актам Хатамович – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Шадиева Дилдора Хамидовна – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент в.б, Тошкент молия институти;

Шакарров Қулмат Аширович – иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент, Тошкент ахборот технологиялари университети

09.00.00-ФАЛСАФА ФАНЛАРИ:

Ҳакимов Назар Ҳакимович – фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Яхшиликков Жўрабой – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Ғайбуллаев Отабек Мухаммадиевич – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат чет тиллар институти;

Саидова Камола Усканбаевна – фалсафа фанлари доктори, “Tashkent International University of Education” халқаро университети;

Ҳошимхонов Мўмин – фалсафа фанлари доктори, доцент, Жиззах педагогика институти;

Ўроқова Ойсулов Жамолiddиновна – фалсафа фанлари доктори, доцент, Андижон давлат тиббиёт институти, Ижтимоий-гуманитар фанлар кафедраси мудири;

Носирходжаева Гулнора Абдукаххаровна – фалсафа фанлари номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Турдиев Бехруз Собирович – фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Бухоро давлат университети.

10.00.00-ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Ахмедов Ойбек Сапорбаевич – филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Кўчимов Шухрат Норқизиллович – филология фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳасанов Шавкат Аҳадович – филология фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Бахронова Дилрабо Келдиёровна – филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Мирсанов Ғайбулло Қулмуродович – филология фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат чет тиллар институти;

Салахутдинова Мушарраф Исамутдиновна – филология фанлари номзоди, доцент, Самарқанд давлат университети;

Кучкаров Раҳман Урманович – филология фанлари номзоди, доцент в/б, Тошкент давлат юридик университети;

Юнусов Мансур Абдуллаевич – филология фанлари номзоди, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Саидов Улугбек Арипович – филология фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси.

12.00.00-ЮРИДИК ФАНЛАР:

Аҳмедшаева Мавлюда Ахатовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Мухитдинова Фирюза Абдурашидовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Эсанова Замира Нормуротовна – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳамроқулов Баҳодир Мамашарифович – юридик фанлар доктори, профессор в.б., Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети;

Зулфиқоров Шерзод Хуррамович – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Жамоат ҳавфсизлиги университети;

Хайитов Хушвақт Сапарбаевич – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Асадов Шавкат Ғайбуллаевич – юридик фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Эргашев Икром Абдурасулович – юридик фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Утемуратов Махмут Ажимуратович – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Сайдуллаев Шахзод Алиханович – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳакимов Комил Бахтиярович – юридик фанлар доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Юсупов Сардорбек Баходирович – юридик фанлар доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Амиров Зафар Актамович – юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD), Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактаби;

Жўраев Шерзод Юлдашевич – юридик фанлар номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Бабаджанов Атабек Давронбекович – юридик фанлар номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Раҳматов Элёр Жумабоевич – юридик фанлар номзоди, Тошкент давлат юридик университети;

13.00.00-ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ:

Ҳашимова Дильдархон Уринбоевна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Ибрагимова Гулнора Хавазматовна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Закирова Феруза Махмудовна – педагогика фанлари доктори, Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ маркази;

Каюмова Насиба Ашуровна – педагогика фанлари доктори, профессор, Қарши давлат университети;

Тайланова Шохид Зайниевна – педагогика фанлари доктори, доцент;

Жуманиёзова Муҳайё Тожиевна – педагогика фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Ибрахимов Санжар Урунбаевич – педагогика фанлари доктори, Иқтисодиёт ва педагогика университети;

Жавлиева Шахноза Баходировна – педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), Самарқанд давлат университети;

Бобомуротова Латофат Элмуродовна – педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), Самарқанд давлат университети.

19.00.00-ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Каримова Василя Маманосировна – психология фанлари доктори, профессор, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Ҳайитов Ойбек Эшбоевич – Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти, психология фанлари доктори, профессор

Умарова Навбахор Шокировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, Амалий психологияси кафедраси мудири;

Атабаева Наргис Батировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Шамшетова Анжим Караматдиновна – психология фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Қодиров Обид Сафарович – психология фанлари доктори (PhD), Самарканд вилоят ИИБ Тиббиёт бўлими психологик хизмат бошлиғи.

22.00.00-СОЦИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Латипова Нодира Мухтаржановна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири;

Сеитов Азамат Пўлатович – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети;

Содиқова Шоҳида Мархабобовна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон халқаро ислом академияси.

23.00.00-СИЁСИЙ ФАНЛАР

Назаров Насриддин Атакулович – сиёсий фанлар доктори, фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент архитектура қурилиш институти;

Бўтаев Усмонжон Хайруллаевич – сиёсий фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири.

ОАК Рўйхати

Мазкур журнал Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2022 йил 30 ноябрдаги 327/5-сон қарори билан тарих, иқтисодиёт, фалсафа, филология, юридик ва педагогика фанлари бўйича илмий даражалар бўйича диссертациялар асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган.

Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари” электрон журнали 2020 йил 6 август куни 1368-сонли гувоҳнома билан давлат рўйхатига олинган.

Муассис: “SCIENCEPROBLEMS TEAM” масъулияти чекланган жамияти

Таҳририят манзили:

100070. Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-уй. Электрон манзил:

scienceproblems.uz@gmail.com

Боғланиш учун телефонлар:

(99) 602-09-84 (telegram).

07.00.00 – TARIX FANLARI

Umurqulov Kamoliddin

O'ZBEK XALQINING OILAVIY MAROSIMLARINING TARBIYAVIY AHAMIYATI 9-12

Muhamedov Asror

G'ARB RENNESANSIGA TURTKI BO'LGAN OMILLAR 13-22

Jiyanbekova Sharofat Abdikaharovna

SOVET DAVRIDA KITOV TAQIQLARIGA NISBATAN O'ZIGA XOS SENZURA
AMALIYOTLARI 23-30

Сабитова Коринна Сабировна

ШКОЛЬНОЕ И СРЕДНЕ-СПЕЦИАЛЬНОЕ ПЕДАГОГИЧЕСКОЕ ОБРАЗОВАНИЕ В
УЗБЕКИСТАНЕ В ГОДЫ ВТОРОЙ МИРОВОЙ ВОЙНЫ 31-37

Vaxabov Azizjon Xamidovich

USMONIYLAR SALTANATI VA O'RTA OSIYO XONLIKLARINING O'ZARO DIPLOMATIK HAMDA
ELCHILIK ALOQALARI 38-44

08.00.00 – IQTISODIYOT FANLARI

Xolmuradov Musurmon Avlaqulovich

MAMLAKATIMIZ TIJORAT BANKLARI AKTIVLARI SAMARADORLIGINI TAKOMILLASHTIRISH
MASALALARI 45-51

Madiyev Shaxzod Shodmon o'g'li, Xurramova Zarina Xolboyevna

QISHLOQ XO'JALIGI ISHLAB CHIQRISHIDA TEXNIK SALOHİYATDAN FOYDALANISHNING
IQTISODIY MOHIYATI VA NAZARIY ASOSLARI 52-57

Самадов Салохиддин Исматович

ИННОВАЦИОН ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИ ВА УНИНГ ИҚТИСОДИЁТДАГИ ЎРНИ..... 58-66

Хуррамов Азамат Файзуллаевич

ИНСОН КАПИТАЛИНИ ЖАРАЁН-НАТИЖА ТАМОЙИЛИ АСОСИДА ТАҲЛИЛИ 67-74

09.00.00 – FALSAFA FANLARI

Sharipov Abdukhakimjon Ziyotdinovich

YANGI O'ZBEKISTON JAMIYATI TARAQQIYOTI IDEOSFERASIDAGI MA'NAVIY O'ZGARISHLAR
DINAMIKASI 75-80

Mustafaev Alimardon Alijonovich

THE MAIN VECTORS OF THE EVOLUTION OF COMPARATIVE PHILOSOPHY IN THE CONTEXT
OF CONTEMPORARY CIVILIZATIONAL DEVELOPMENT 81-89

Mamasaliev Mirzoulug' Mirsaidovich

"G'ARB MADANIYATIDA SABR-TOQAT KONSEPSIYASINING O'ZGARISHI" 90-95

Shadmanov Qurbon

FRENSIS BEKON INDUKTIV USULI VA TA'LIM, TARBIYA VA O'Z-O'ZINI TARBIYALASH
G'OYALARI 96-101

Usmonov Farkhod Lapasovich

PHILOSOPHICAL ANALYSIS FREEDOM OF INFORMATION 102-109

Atakulov Mavlonbek Saitkulovich

YOSHLARNI SOG'LOM MA'NAVIY MUHIT ASOSIDA TARBIYALASHDA
FUQAROLIK MAS'ULIYATI O'RNI 110-115

10.00.00 – FILOLOGIYA FANLARI

Amanov Abdijabbor Sattarovich

O'ZBEK TILSHUNOSLIGIDA MURAKKAB SINTAKTIK TUZILMALAR TAHLILI 116-121

Xudoynazarova O'g'lonoy Allamurodovna

DINIY BARQAROR BIRIKMALARNING STILISTIK XUSUSIYATLARI 122-125

Hayitova Shohida Erkin qizi

KONSEPT TUSHUNCHASINING TALQINI VA KONSEPTGA OID TADQIQOTLAR
TASNIFI 126-132

Qodirova Mukaddas Tog'ayevna

TILSHUNOSLIKDA BIZNES DISKURS: TADQIQ, TASNIF VA TAHLIL 133-138

Aripova Aziza Xasanovna

NUTQ MADANIYATI VA NUTQ ODOBI MASALALARINING TARIXIY TAKOMILI 139-143

Tillabayeva Zilola Raxmatillayevna

QARLUQ SHEVALARIDA TABU VA EVFEMIZMLAR QO'LLANILISHI YUZASIDAN
MULOHAZALAR (SAMARQAND VILOYATI MISOLIDA) 144-148

Axmedova Aziza Komilovna

PSIXIATRIK BADIY TAHLIL ASOSLARI 149-153

Зокирова Шахзода Нодиржон қизи

ТЕЛЕВИЗИОН НУТҚНИНГ РИТОРИК АСПЕКТИ 154-158

Yusupaliyeva Fazilat Yusupaliyevna

METHODS IN TEACHING ENGLISH AND THEIR IMPORTANCE 159-163

Fayzullayeva Dilfuzaxon G'ulomjon qizi

ADIB QALBIDAN: QAHRAMON RUHIYATIDA YOZUVCHINING IZI..... 164-169

Negmatova Mumtozbeqim

UZBEK TERMINOLOGY FOR BANKING SECTOR 170-174

Omondavlatova Latofat Ne'matulla qizi

O'TKIR HOSHIMOVNING "DAFTAR HOSHIYASIDAGI BITIKLAR" ASARIDA QO'LLANILGAN
LINGVOMADANIY BIRLIKLAR TAHLILI 175-178

12.00.00 – YURIDIK FANLAR

Ismaylov Raxat Aminbayevich

NORMA IJODKORLIGI FAOLIYATINI RAQAMLASHTIRISHNING AYRIM NAZARIY-HUQUQIY
MASALALARI 179-183

Сеитниязов Камарбек Парахатович

ДАВЛАТ ФУҚАРОЛИК ХИЗМАТИ ТУШУНЧАСИНИНГ ЎЗИГА ХОС
ХУСУСИЯТЛАРИ 184-191

Нуруллаев Шохрух Шухратуллаевич

ҚУРИЛИШДА АТРОФ-МУҲИТНИНГ ҲУҚУҚИЙ МУҲОФАЗАСИ: ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ ВА
НАЗОРАТИ 192-198

Hamdamov Shahzod Maqsud o'g'li

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ADLIYA VAZIRLIGI TARAQQIYOTINING

HUQUQIY ASOSLARI 199-210

Шокиров Ойбек Азизжон ўғли

ҚОНУНИЙЛИК НАЗАРИЙ ТУШУНЧАСИ ВА УНИ МАҲАЛЛИЙ ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ
ОРГАНЛАРИ ҚАРОРЛАРИДА ТАЪМИНЛАШНИНГ НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ

АСОСЛАРИ 211-218

13.00.00 – PEDAGOGIKA FANLARI

Bozorova Muslima Qodirovna, Istamova Dilnoza Norboyevna

RAQAMLI TA'LIM SHAROITIDA BO'LAJAK O'QITUVCHILARNI KASBIY FAOLIYAT UCHUN KO'P
BOSQICHLI TAYYORLASH ASOSLARI 219-222

Rabbimova Nodira Tashtemirovna

FROM SCALPEL TO BLACKBOARD: HOW MEDICAL TRAINING IS REVOLUTIONIZING

PEDAGOGICAL APPROACHES 223-227

Саидова Камола Усканбаевна

КОМПАРАТИВНЫЙ АНАЛИЗ МЕТОДОВ ВОСПИТАНИЯ В ВОСТОЧНОЙ ПЕДАГОГИЧЕСКОЙ
МЫСЛИ 228-233

Худойназарова Дилрабо Абдурашидовна

БЎЛАЖАК ПЕДАГОГЛАРНИ МАЪНАВИЙ ТАРБИЯ ФАОЛИЯТИГА ТАЙЁРЛАШНИНГ

ИЖТИМОЙ-ПЕДАГОГИК ЗАРУРАТИ 234-239

Гаффаров Азизжон Муҳаммадсаидович

МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ: МОҲИЯТИ ВА ЗАРУРАТИ 240-245

Buronova Iroda

UMUMIY O'RTA TA'LIM MUASSASALARI RAHBARLARIDA MEDIAKOMPITENTLIKNI

RIVOJLANTIRISHNING USLUBIY ASOSLARI 246-250

Matyakubova Feruza Egamovna

ANATOMY OF LEARNING: BRIDGING THE GAP BETWEEN MEDICINE AND

MODERN EDUCATION 251-254

Received: 10 September 2024
Accepted: 15 September 2024
Published: 25 September 2024

Article / Original Paper

INDEPENDENT EDUCATION: ESSENCE AND NEED

Gaffarov Azizjon Muhammadsaidovich

Independent researcher of the National Research Institute named after A. Avloni

Abstract. The article discusses the nature and necessity of independent education, which determines the choice of work goals that match the scientific and methodological topic (problem) of the school, the formation of a personal topic, and the understanding of the sequence of one's own actions. In the opinion of the author, independent educational work should be gradually transferred to scientific research. Self-awareness, development of reflexive thinking, development on the basis of learning skills becomes a system of self-regulation, a person's stable interest in independent education becomes a constant need for self-education, which indicates that the optimal level of self-development has been achieved.

Key words: independent study, methodological problem, personal subject, self-awareness, reflexive thought, sustained interest, self-development.

МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ: МОҲИЯТИ ВА ЗАРУРАТИ

Гаффаров Азизжон Муҳаммадсаидович

А.Авлоний номидаги миллий-тадқиқот институти мустақил изланувчиси

Аннотация. Мақолада мактабнинг илмий ва услубий мавзусига (муаммосига) мос келадиган иш мақсадларини танлаш, шахсий мавзунини шакллантириш, ўз ҳаракатлари кетма-кетлигини тушунишни белгилайдиган мустақил таълимнинг моҳияти ва зарурати ҳақида фикр юритилган. Муаллифнинг фикрича, мустақил таълим ишлари аста-секин илмий-тадқиқот изланишларига ўтиши лозим. Ўз-ўзини англаш, рефлексли фикрлашни ривожлантириш, ўрганиш кўникмалари асосида ривожланиш ўз-ўзини тартибга солиш тизимига айланади, шахснинг мустақил таълимга бўлган барқарор қизиқиши ўз-ўзини тарбиялаш бўйича доимий эҳтиёжга айланади, бу эса ўз-ўзини ривожлантиришнинг энг мақбул даражасига эришилгандан далолат беради.

Калит сўзлар: мустақил таълим, услубий муаммо, шахсий мавзу, ўз-ўзини англаш, рефлексли фикр, барқарор қизиқиш, ўз-ўзини ривожлантириш.

DOI: <https://doi.org/10.47390/SPR1342V4SI7Y2024N36>

Кириш. Мустақил таълим шахснинг қобилиятлари ва ўзига хосликларини ривожлантиришга йўналтирилган, инсоннинг ўз ихтиёри билан амалга ошириладиган, ўзи томонидан бошқариладиган ва касбий фазилатларни такомиллаштириш учун зарур бўлган фаолиятларини бирлаштиради. Мустақил таълим, аввало, ихтиёрийлиги ва изчиллиги билан тавсифланади ҳамда узлуксиз педагогик таълим ғоясини амалга оширишнинг энг муҳим шартларидан ҳисобланади[1].

Мустақил таълимнинг зарурияти, бир томондан, ўқитувчи фаолиятининг хусусиятлари, унинг ижтимоий моҳияти, иккинчи томондан, педагог меҳнатининг доимий ўзгаришдаги шароитлари, жамият эҳтиёжлари, фан ва амалиётнинг ривож,

инсон шахсига, унинг ижтимоий жараёнлар ва вазиятларнинг алмашинувиغا нисбатан тез ва мутаносиб жавоб бера олиш қобилияти, ўз фаолиятини қайта қуришга, янги ва мураккаброқ муаммоларни моҳирлик билан ҳал қила олишга тайёрлигига нисбатан ортиб бораётган талаблар билан боғлиқ узлуксиз таълимнинг мавжуд ҳолати ва анъаналари билан изоҳланади.

Мустақил таълимнинг мазмуни педагогнинг билим олишга интилиши, узлуксиз таълим воситасида ўзини-ўзи англашига ортиб бораётган эҳтиёжини қаноатлантиришида ифодаланади.

Тадқиқот методологияси. Мазкур мактаб ўқитувчиларнинг мустақил таълимнинг моҳияти ва зарурати аниқтиришнинг шакл ва методларни гуруҳлаш, солиштирма таҳлил, танлама кузатув усулларидан фойдаланилди. Тадқиқот методологияси сифатида мантиқий ва таркибий таҳлил қилиш, гуруҳлаштириш ва таққослаш усулларидан фойдаланилди.

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили. “Мустақил таълим” деганда ақлий меҳнат техникаси ва маданиятини эгаллаш, муаммоларни бартараф қилиш, ўз-ўзини такомиллаштириш, шу жумладан, касбий ривожлантира олиш кўникмалари тушунилади.

Н.А.Муслимов ва О.А.Қўйсиновларнинг фикрича, “Мустақил таълим – билимларни ўзлаштириш, тасаввурларини ривожлантириш тушунчалари, кўникма ва малакаларини ҳосил қилиш бўйича ўқув жараёнининг субъектив мақсадга мувофиқ, мунтазам, мустақил ҳамда автоном фаолиятни ташкил этиш демакдир” [2, 65-6].

Р.Х.Джураев ва С.Т.Турғуновларнинг қайд этишича, “Мустақил таълим – бу инсоннинг ўзи танлаган воситалар ва адабиётлар ёрдамида аждодлар тажрибасини, фан ва техника ютуқларини ўрганишга йўналтирилган шахсий ҳаракатлар жараёни. Бунда инсоннинг ички дунёси, ҳис-туйғулари, мустақил фикрлаш қобилияти асосий рол ўйнайди” [3, 89-6].

Е.В.Минина айтганидек, “Мустақил таълимни ташкил қилишнинг мақсадга мувофиқлиги нафақат вақт талаблари, балки шахснинг ўзига бўлган эҳтиёжи билан ҳам белгиланади. Фақатгина мустақил таълим жараёнида ўз-ўзини ривожлантиришга қодир бўлган мутахассисни ўз соҳасидаги компетентли мутахассис деб аташ мумкин” [4, 57-6].

Таҳлил ва натижалар. Мустақил таълимнинг асосий тамойиллари: узлуксизлик, мақсадга йўналганлик, умумий ва касбий маданиятнинг уйғунлиги, ўзаро боғлиқлик ва бардавомлик, илгарилаб бориш тавсифдалиги, паст даражадан олий даражага ўсишга интилиш, турфа хиллик ва бошқалардан иборат.

Мустақил таълимнинг функциялари.

Экстенсив –янги билимларни тўплаш, эгаллаш.

Аниқловчи – ўзини таълим маконида ва жамиятдаги ўрнини аниқлаш.

Тўлдирувчи – билимдаги камчиликларни бартараф этиш, умумий маданиятдаги «оқ доғлар»ни йўқотиш.

Ўз-ўзини ривожлантириш – ўз-ўзини англаш, хотира, фикрлаш, нутқ, рефлексив қобилиятларни ривожлантириш ва бошқалар.

Методологик – дунёнинг тимсолини шакллантириш, ўзининг дунёдаги ўрни, касбий мавжудлик йўлини белгилаш.

Коммуникатив – фанлараро, мутахассисликлар ва ёшлараро алоқаларни ўрнатиш.

Ижодкорлик – фаолиятни қўшимча аниқлаш, ижодкорлик даражасигача юксалтириш.

Ёшартириш – ўзининг одатий фикрлашини ўзгартириш, касбий ўсишдаги турғунликнинг олдини олиш.

Психотерапевтик – ҳаётий энергияни, шахсий қудратни, ҳаётнинг тўлақонли хис этишни сақлаб қолиш.

Геронтологик – атрофдаги олам билан алоқаларни сақлаб қолиш, организмнинг яшашга чидамлилигини мустаҳкамлаш.

Мустақил таълим фаолиятини ташкил қилиш технологиялари

Педагогларнинг мустақил таълимини ташкил этиш технологияси қуйидаги босқичлардан иборат тарзда ифодаланиши мумкин:

1 босқич – йўналтириш (созлаш). Бу мустақил иш учун муайян муносабатни яратишни назарда тутати; мактабнинг илмий ва услубий мавзусига (муаммосига) мос келадиган иш мақсадларини танлаш; шахсий мавзунини шакллантириш, ўз ҳаракатлари кетма-кетлигини тушуниш.

2 босқич – ўқиш. Ушбу босқичда педагог танланган таълим муаммоси бўйича психологик, педагогик ва методик адабиётлар билан танишади.

3 босқич – амалий. Ушбу босқичда педагогик фактлар тўпланади, уларни сараланади ва таҳлил қилинади, янги иш услубларини синалади ва тажрибалар ўтказилади. Амалий ишлар адабиётларни ўрганиш билан биргаликда олиб борилади.

4 босқич – назарий. Ушбу босқичда тўпланган педагогик фактлар мушоҳада ва таҳлил қилинади, умумлаштирилади. Ушбу босқичда ўқилган педагогик адабиётларни жамоавий муҳокама қилиш; методбирлашма ёки кафедранинг йиғилишларида мустақил таълимнинг бориши бўйича ижодий ҳисоботларни тинглаш; очиқ дарслар муҳокамаси ва бошқа жамоавий иш шакллари тавсия этилади.

5 босқич – якуний синов. Ушбу босқичда педагог ўз мустақил ишининг натижаларини аниқлаши, кузатишларни умумлаштириши, натижаларни расмийлаштириши лозим. Бунда, энг асосийси, амалга оширилган ишларни, аниқланган фактлар ва уларнинг таҳлилини ёзиш, натижаларни назарий асослаш, умумий хулосаларни тузиш ва ишнинг истиқболини белгилашдир.

Педагогнинг мустақил таълим фаолияти тизими қуйидагиларни назарда тутати: жорий ва узоқ муддатли режалаштириш; ахборотни ўзлаштириш ва сақлашнинг оқилона шакллари ҳамда воситаларини танлаш; ўзининг ва жамоанинг педагогик тажрибасини таҳлил қилиш усуллари ва умумлаштириш йўллари эгаллаш; тадқиқот ва амалиёт фаолияти усуллари босқичма-босқич ўзлаштириш[5].

Мустақил таълим жараёнида тўпланган материалларни алоҳида мавзуларга ажратиш ва уларни алоҳида карталар, махсус дафтарлар, ноутбуклар, мавзули папкалар ва шахсий педагогик кундаликлар шаклида сақлаш тавсия этилади. Адабий манбалар билан ишлаш кўникмалари мустақил таълим жараёнида муҳим аҳамият касб этади: кўчирмалар қилиш, ўқилганларни конспект қилиш, қисқача баён қилиш, батафсил режа ёки аннотация тузиш.

Мактаб методика кабинетида педагогларнинг мустақил таълим олишларига ёрдам бериш учун манбалар банки шакллантирилиши керак:

мустақил иш учун тавсия этилган адабиётлар рўйхати; илғор педагогик тажриба материаллари;

мустақил таълимни амалга ошириш бўйича иш режалари турли вариантлари;

маъруза матнлари;

мустақил таълим фаолияти натижалари асосида рефератлар намуналари;

адабий манбаларнинг конспектлари намуналари;

янги психологик ва педагогик адабиётлар[6].

Мустақил таълим ишлари аста-секин илмий-тадқиқот изланишларига ўтиши лозим. Ўз-ўзини англаш, рефлексли фикрлашни ривожлантириш, ўрганиш кўникмалари асосида ривожланиш ўз-ўзини тартибга солиш тизимига айланади, шахснинг мустақил таълимга бўлган барқарор қизиқиши ўз-ўзини тарбиялаш бўйича доимий эҳтиёжга айланади, бу эса ўз-ўзини ривожлантиришнинг энг мақбул даражасига эришилганидан далолат беради.

Педагог мустақил таълими самарадорлигининг кўрсаткичлари – бу, авваламбор, педагог томонидан ташкил қилинган ўқув жараёнининг сифати ва педагогнинг касбий-малакавий ўсишидир.

Педагогни мустақил таълимга ундовчи мотивлар

Ахборот билан қундалик иш. Дарсларни, ота-оналар мажлисини, синф соатини, мактабда режалаштирилган тадбирни, олимпиадани ва шу кабиларни ўтказишга тайёргарлик кўриш учун педагогда янги маълумотларни қидириш ва таҳлил қилиш эҳтиёжи пайдо бўлади.

Ижод қилиш истаги. Ўқитувчи – ижодий касб. Ижодкор инсон йилдан-йилга бир хил, сарғайган конспект ёки сценарий билан ишлаш, бир хил маърузаларни ўқишни истамайди. Янгиликлар пайдо бўлиши керак, иш қизиқарли ва завқли бўлиши керак.

Замонавий илм-фан, хусусан, психология ва педагогиканинг жадал ривожланиши. Автомобиллар даврида аравадан фойдаланиш мақсадга мувофиқ эмас. Жамият ҳаётида юз берадиган ўзгариш, биринчи навбатда таълим олувчиларга таъсир қилади, уларнинг дунёқарашини шакллантиради. Агар янги маълумотларни ўзлаштирмаса, педагог замонадан орқада қолган шахс сифатида тасоввур уйғотиши мумкин.

Рақобат. Кўплаб ота-оналарнинг фарзандларини мактабга олиб келганда уни «энг яхши» ўқитувчига ёки синф раҳбарига бириктиришни сўрашлари сир эмас. Бундай рақобат шароитида малакали ўқитувчи таълим олувчиларни танлашда, ўқув юкламасини аниқлашда кўпроқ имкониятларга эга бўлади.

Жамоатчилик фикри. Устоз уни «яхши» ёки «ёмон» деб ҳисоблашларига бефарқ бўлолмайди. Ҳеч ким ёмон ўқитувчи бўлишни хоҳламайди!

Моддий рағбатлантириш. Тоифалар, мукофот ва имтиёзларнинг мавжудлиги ўқитувчининг малакасига ва маҳоратига боғлиқ. Янги билимларни мунтазам эгаллаш – иш самарадорлигини янада ошишига, ва табиийки, юқорироқ иш ҳақи тўланишига олиб келади.

Мустақил таълим натижалари. Педагогнинг мустақил таълим бўйича шахсий режасида муайян вақт ичида эришилиши лозим бўлган муайян натижалар рўйхати бўлиши шарт:

ўқитувчи мустақил таълимнинг муайян босқичлардаги натижалари (мустақил таълим узлуксиз, лекин режалаштириш босқичлар бўйича амалга оширилиши керак);
фанни ўқитиш сифати яхшиланади (самарадорлик ва сифат белгиланадиган кўрсаткичларни кўрсатиш);

ишлаб чиқилган ёки нашр этилган услубий қўлланмалар, мақола, дарсликлар, дастурлар, сценарийлар, тадқиқотлар;

ўқитишнинг янги шакллари, методлари ва усуллари ишлаб чиқиш;
дидактик материаллар, тестлар ва кўргазмали воситаларни ишлаб чиқиш;
янги ахборот технологияларини қўллаш бўйича услубий кўрсатмалар ишлаб чиқиш;

муаллифлик, новаторлик технологиялари бўйича очиқ дарсларни ишлаб чиқиш ва ўтказиш;

мажмуалар яратиш;

педагогик ишланмалар;

тадқиқ қилинаётган муаммо (мавзу) бўйича тажрибани умумлаштириш[7].

Мустақил таълим жараёнининг самарадорлиги.

Педагогнинг мустақил таълими жараёни самарали бўлади, агар:

мустақил таълим жараёнида ўқитувчининг ўз ривожланиши ва ўзини ривожлантириш учун эҳтиёжи ҳисобга олинса;

ўқитувчи ўз-ўзини англаш ва ўз педагогик тажрибасини таҳлил қилиш усуллари эгаллаган бўлса, ўқитувчи ўз касбий фаолиятининг ижобий ва салбий томонларини тушунса;

ўқитувчи ривожланган рефлексия қобилиятига эга бўлса. Педагогик рефлексия – маҳоратли ўқитувчининг муҳим ва зарурий хусусияти ҳисобланади (рефлексия деганда инсоннинг ўз ҳаракатларини, ички ҳис-туйғуларини, ҳолатларини, кечинмаларини англаш, мазкур ҳаракатларни таҳлил қилиш ва хулосалар чиқариш фаолияти тушунилади);

ўқитувчининг касбий ривожланиш дастури илмий-тадқиқот, изланиш фаолияти имкониятларини ўз ичига олса;

ўқитувчи педагогик ижодга тайёрланган бўлса;

шахсий ва касбий ривожланиш ўзаро алоқадорликда амалга оширилса.

Хулоса. Педагогик фаолиятни таҳлил қилиш ва ўзини ўзи баҳолаш жараёнида, шунингдек, шахсий ривожланиш дастурини ишлаб чиқиш, уни амалга ошириш ва натижаларни мониторинг қилишда маъмуриятнинг иштироки муҳим аҳамиятга эга. Мутахассисларни ўқитувчи, синф раҳбари билан ҳамкорлик қилиш, мураббийлик, маслаҳат бериш, шахсий ишни оқилона ташкил қилишга жалб қилиш, педагогнинг олган билимларини жорий этиш, тажриба ва тадқиқот ишлари учун шароитларни яратиш, инновацион ўзгаришларни амалга оширишга жалб қилиш – раҳбарнинг педагогга нисбатан амалга оширадиган ташкилий-педагогик тадбирларининг тўлиқ бўлмаган рўйхатини ташкил қилади.

Барча вазифаларни бажариш учун раҳбарнинг ўзи ҳам мунтазам равишда мустақил таълим билан шуғулланиши керак. Муҳими, фақатгина вужудга келадиган ва қизиқтираётган муаммолар доирасини тўғри белгилаш ва саралаш, ўқиш учун адабиётни танлаш эмас, балки, олинган билимларни амалиётда қўллаш ҳам муҳим

аҳамият касб этади. Мактаб директори ва ўринбосарлари мустақил таълимнинг натижалари педагогик жамоа аъзоларига маълум қилиниши, бошқарувни такомиллаштириш ва умуман мактабнинг ҳаётий фаолиятига самарали таъсир кўрсатиши керак. Маъмуриятнинг вазифаси – педагогни бутун ҳаёти давомида ўқитиш эмас, балки мустақил таълимни қандай амалга оширишга ўргатишдир.

Адабиётлар/Литература/References:

1. Шмырева Н.А., Губанова М.И., Немова Н.В. Управление методической работой в школе. –М.: 1999.
2. Муслимов Н.А., Қўйсинов О.А. Касб таълими ўқитувчиларини тайёрлашда мустақил таълимни ташкил этишнинг назарияси ва методикаси. Монография. – Т.: Ўзбекистон . —2009. — 192 б
3. Р.Х.Джураев ва С.Т.Турғунов, Таълим менежменти, “Ворис” нашриёти, 2006 йил, 268 б.
4. Минина Е.В. Организация самостоятельной работы в условиях реализации многоуровневой модели обучения: монография. Екатеринбург: Изд-во Рос. гос. проф.- пед. ун-та, 2014. 158 с.
5. Elaine A. I., Seaman J. Grade Change // Tracking Online Education in the United States. January 2014. Copyright ©2014 by Babson Survey Research Group and Quahog Research Group, LLC.
6. Kappel H., Lehmann B., Loeper J. Distance Education at Conventional Universities in Germany// International Review of Research in Open and Distance Learning. – Athabasca University – Canada's Open University, 2002
7. Практическая андрагогика. Методическое пособие. Книга 1. Современные адаптивные системы и технологии образования взрослых / Под ред. д.п.н., проф. В.И.Подобеда,. – СПб.: ГНУ «ИОВ РАО», 2003.

SCIENCEPROBLEMS.UZ

ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

№ S/7 (4) – 2024

АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО- ГУМАНИТАРНЫХ НАУК

ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES

**Ижтимоий-гуманитар фанларнинг
долзарб муаммолари** электрон
журнали 2020 йил 6 август куни 1368-
сонли гувоҳнома билан давлат
рўйхатига олинган.

Муассис: "SCIENCEPROBLEMS TEAM"
масъулияти чекланган жамияти

Таҳририят манзили:

100070. Тошкент шаҳри, Яккасарой
тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-
уй. Электрон манзил:

scienceproblems.uz@gmail.com

Боғланиш учун телефонлар:

(99) 602-09-84 (telegram).